

Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий судининг
2021 йил “31” майдаги
КСҚ-7-сонли қарори билан
тасдиқланган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУДИНИНГ ДЕВОНИ ТҮГРИСИДА НИЗОМ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Низом “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди түгрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Регламентига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг (матнда бундан буён - Конституциявий суд деб юритилади) фаолият кўрсатишини таъминлаш учун Конституциявий суднинг девони (матнда бундан буён - Девон деб юритилади) тузилади.

2. Девон ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди түгрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунига ва бошқа қонунларга, Конституциявий суднинг Регламентига, мазкур Низомга, Конституциявий суднинг қарорларига ва Конституциявий суд раисининг фармойишларига амал қиласи.

3. Девон ўз фаолиятини амалга оширишда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, хорижий мамлакатларнинг конституциявий назорат органлари ва халқаро ташкилотлар билан қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳамкорлик қилиши мумкин.

II. ДЕВОННИНГ ВАЗИФАСИ

4. Девоннинг асосий вазифаси Конституциявий суд фаолиятини ташкилий-техник, илмий-эксперт, ахборот-маълумот ва молиявий-хўжалик жиҳатдан таъминлаш ҳисобланади.

5. Девон қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

Конституциявий судда ишларни юритишни, хизматга оид кенгаш ва Конституциявий суд томонидан ўтказиладиган бошқа тадбирларни ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш;

судьяларга суд мажлиси ва хизматга оид кенгашни ва бошқа масалаларни кўриб чиқиш учун тайёрлашда кўмаклашиш;

Конституциявий судга йўлланган мурожаатларнинг кўриб чиқилишини ташкилий таъминлаш, мурожаатлар бўйича жавоблар, хулосалар, таҳлилий, ахборот ва бошқа материалларни тайёрлаш;

Конституциявий суднинг қонунчилик ташаббуси хуқуқи билан боғлиқ масалалар юзасидан қонун лойиҳаларини ва таклифларни тайёрлашда иштирок этиш ва бунинг учун зарур хужжатларни тайёрлаш;

Конституциявий суд қарорларининг тарқатилиши ва матбуотда эълон қилинишини таъминлаш ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг Ахборотномаси”ни нашрга тайёрлаш;

Конституциявий суд қарорлари ва ажримларининг тизимли ҳисобини юритиш ва маълумотлар базасини шакллантириш;

Конституциявий суд қарорларининг ижросини таъминлаш бўйича давлат органларининг фаолиятини ўрганиш ва умумлаштириш, ушбу қарорларнинг ижроси бўйича Конституциявий суд учун маълумот тайёрлаш;

қонун хужжатларининг тизимли ҳисоби ва таҳлилини олиб бориш, таҳлилий тадқиқотларни амалга ошириш;

Конституциявий суднинг меҳнат муносабатларини амалга ошириш, кадрлар йигма жилдларини юритиш, кадрлар захирасини шакллантириш, ходимларнинг малакасини оширилишини таъминлаш ҳамда уларни рағбантлантириш юзасидан таклифлар бериш;

хужжатларни тайёрлаш ва улар билан ишлашга мўлжалланган замонавий ахборот технологиялари ва дастурий-техник воситаларни кўллаган ҳолда Конституциявий суд фаолиятини хужжатлаштириш тизимини ташкиллаштириш, юритиш ва такомиллаштириш;

хужжатлар алмашинуви ва иш юритишнинг ўрнатилган тартибига риоя этилиши юзасидан услубий раҳбарлик ва назорат қилиш;

Конституциявий суд хужжатларини архивлаштириш, Конституциявий суд архив фондида бўлган хужжатларнинг сақланиши ва фойдаланилиши ҳамда уларни қонун билан белгиланган тартибда давлат архивига топшириш; ахборот тизимларининг узлуксиз равишда ишлашини ва янги ахборот технологияларининг татбиқ этилишини таъминлаш;

Конституциявий суднинг расмий веб-сайтини юритиш ва бошқа электрон ахборот ресурсларини барпо этиш, юритиш ва такомиллаштиришни таъминлаш;

Конституциявий суднинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро муносабатларини ташкиллаштириш, оммавий ахборот воситаларида Конституциявий суд фаолияти тўғрисида маълумотларнинг

жойлаштирилишини таъминлаш;

Конституциявий суд фаолиятини молиявий таъминлашни ташкиллаштириш;

Конституциявий судни моддий-техник воситалар билан таъминлаш чораларини кўриш;

Конституциявий суднинг хорижий мамлакатларнинг конституциявий назорат органлари ва халқаро ташкилотлар, уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги ваколатхоналари билан ўзаро муносабатларини ташкиллаштириш;

хорижий мамлакатлар конституциявий назорат органларни фаолиятини ўрганиш ва умумлаштириш;

қонун хужжатлари, Конституциявий суднинг қарорлари, Конституциявий суд раисининг фармойишларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

III. КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ДЕВОНИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УНГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ

6. Девоннинг тузилиши ва штат жадвали ажратилган маблағ доирасида Конституциявий суднинг раиси томонидан тасдиқланади.

7. Девон девон раҳбари, раис ёрдамчиси, катта эксперталар, экспертлар, бош ҳисобчи, хўжалик мудири, 1-тоифали иш юритувчи котиб, ҳисобчи-кассир, котиб стенографистлардан иборат таркибда фаолият кўрсатади.

8. Девон ходимлари Конституциявий суднинг раиси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

9. Девон ходимларига қонун хужжатларига мувофиқ мансаб даражалари берилади.

Девон ходимларининг вазифалари Конституциявий суд раиси томонидан тасдиқланадиган девон ходимларининг мансаб йўриқномаси билан тартибга солинади.

Девон фаолиятига умумий раҳбарликни Конституциявий суднинг раиси, бевосита ва жорий раҳбарликни Девон раҳбари амалга оширади.